# Zarafshon

Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 29-dekabr, payshanba,
155 (23.720)-son

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz


**КУН ҲИКМАТИ**

Инсон ҳар кунлик фаолияти тўғрисида ўзига ўзи ҳисобот бериши лозим

# Фуқаролар муаммолари ечим топса, шу – катта байрам

**Вилоят ҳокимлиги томонидан аҳоли ва хизматлар ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш учун янги интерактив хизмат http://samxalqnazorati.uz тизими жорий этилди.**

Шаҳар ва туманлар инфратузилмаси, давлат хизматларининг ҳолати ва бошқа масалалар юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш, хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятига баҳо бериш мақсадида яратилган мазкур тизим "Менинг уйим", "Менинг йўлим", "Савдо-сотиқ ва озиқ-овқат", "Жамоат жойи" ва "Жамоат транспорти" бўлимлари орқали 73 тоифадаги муаммоларни билдиришга имкон беради.

Тизим фойдаланувчиси ушбу бўлимлардан фойдаланган ҳолда муаммосини билдириши билан муаммо тоифасига ва ҳудуддан келиб чиққан ҳолда автоматик равишда масъул ижрочилар белгиланади.

Платформа муаммоларни саралайди ва масъул идоранинг шахсий кабинетига 10 сония ичида йўналтиради. Шунингдек, муаммо қайд этилганлиги ва ижросига масъул белгиланганлиги ҳақида корхонанинг биринчи раҳбарига SMS ва телеграм мессенжери орқали хабар юборилади.

Эътиборли томони, тизимда билдирилган муаммо ёки масалани ҳокимлик ёки бошқа ташкилот назоратдан чиқармайди, қачонки муаммо ҳал этилса, уни фуқаронинг ўзи назоратдан олиши мумкин. Бу ҳақда тизимнинг ўзи муаллиф билан SMS хабардорликни таъминлайди. Ижро ҳолати ҳақида хабар беради.

Сешанба куни ҳокимлик соатида вилоят ҳокими Э.Турдимов янги платфорама ҳақида ўз фикрларини билдирди.

– 23 декабрь соат 18.30 дан ишга туширилган тизимга уч кун давомида хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг тезкор ҳаракат қилмаётганлиги, ўз вазифаларини сидқидилдан бажармай, аҳолига қулайлик яратиш пайсалга солинаётганлиги юзасидан аҳоли томонидан 322 та мурожаат йўлланди, – деди Э.Турдимов. – Бугунги кунгача масъуллар ушбу мурожаатларнинг атиги 15 таси бажарилганлигини қайд этиб маълумот юклашган. Шу ўринда менда битта савол пайдо бўлмоқда – нега масъуллар битта очиқ қолган "люк"ни ёпиши ёки симлари эрий бошлаган шитнинг 50 метр кабелини ёки битта лампани алмаштиришни 5 кунда бажаришлари керак. Бу ишлар уларнинг кунлик вазифаси эмасми?

Булунғур тумани Янгиқўрғон маҳалласи фуқаролари томонидан электр таъминотидаги узилиш, 5 кун давомида электр йўқлигини билдириб юборган 15 дан ортиқ мурожаатга тезкор ечим қилинмаган?

Хизмат кўрсатувчи корхоналар фуқаролар томонидан билдирилаётган эътироз ва муаммоларга тезкор ечим топиш мақсадида 4-5 тадан мобил гуруҳлар ташкил этиб, муаммо билдирилгандан 5 соат ичида ҳал қилиш механизмини яратиши керак.

Энг кўп муаммо билдирилган маҳаллалар рўйхатини тузамиз ва ўша ҳудудга ўзим бошчилигимда гуруҳ бориб, муаммоларни жойида ҳал этиш тизимига ўтказамиз.

Э.Турдимов вилоятдаги барча мурожаатларга тезкор ечим топиш, байрам олдидан халқимизнинг кайфиятини кўтариш мақсадида долзарб уч кунлик эълон қилди. Биринчи навбатда туман ва шаҳарлар ҳокимликлари, ташкилотлар томонидан ижро муддати кечиктирилаётган 786 та мурожаатга ечим топилиши таъкидланди.

**Давлат хавфсизлик хизмати Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи А.Аҳмедов ёшлар муаммоларини ҳал этиш ва таклифларини эшитиш мақсадида Оқдарё ва Жомбой туманларида "Раҳбар ва ёшлар учрашуви" ўтказди.**

# РАҲБАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ






Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи ва туманлар ҳокимлари, мутасадди раҳбарлар иштирокида ўтказилган учрашувларда дастлаб давлатимиз раҳбарининг яқинда парламент ва мамлакатимиз халқига Мурожаатномасида олти йўналиш бўйича белгилаб берилган вазифалар, ташаббус ва таклифлар, хусусан, ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг келажаги билан боғлиқ масалалар мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Шундан сўнг асосан ёшларнинг фикрлари, саволлари эшитилди.

Оқдарё тумани "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси Ниёзхон Абдусаломов маҳалладаги ёшларнинг китобга қизиқиши баландлигини айтиб, кутубхона учун бадиий китоблар сўради.

А.Аҳмедов ёшларнинг китобга меҳри, мутолаага интилишидан мамнунлигини билдириб, тез кунларда маҳалла кутубхонасига 700 та бадиий китоб етказилишини айтди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли маҳалла ёшлари ҳудудда балиқчиликни ривожлантириш учун имконият борлигини айтиб, кредит ажратилса, ушбу фаолият билан шуғулланишларини маълум қилди.

Ушбу масала юзасидан "Халқ банки" Оқдарё тумани бўлими бошқарувчиси балиқчилик билан шуғулланиш истагидаги ёшларга ёрдам беришини билдирди.

Шунингдек, учрашувда Миёнқол маҳалласи ёшларининг мурожаати асосида улар учун 11-умумий ўрта таълим мактабида мавжуд "Workaut" майдончасига спорт анжомлари ўрнатиб берилиши айтилди.

Иштихондаги мулоқот давомида 51-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Нигина Раҳмонова инглиз тилини яхши ўрганиш учун электрон доска сўради. Бу мурожаат тез кунларда ҳал этилиши билдирилди.

Чағатой маҳалласида яшовчи Султон Маматовнинг 53-умумий ўрта таълим мактабига, миришкорлик Рўзимурод Анорбоевнинг 52-умумий ўрта таълим мактабига спорт зал қуриб берилишини сўраб қилган мурожаатлари ҳокимлик ва тегишли вилоят ташкилотлари билан биргаликда ўрганиб чиқилиб, дастурга киритилиши қайд этилди.

Учрашувларда туман ёшларига китоб ва бошқа совғалар берилди. Бўш иш ўринлари ярмаркаси, ҳудудлардаги корхоналар ва ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмалари ўтказилди.

## 2022 йил сарҳисоби

**Жорий йил якуни билан жами 19 миллиард долларлик экспорт амалга оширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 122 фоиз ўсиш таъминланади. Экспортчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан 429,2 миллиард сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилди.**

**Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан жорий йилда 240 та экспортчи корхоналарга айланма маблағларни шакллантириш мақсадида жами 150 миллион доллар кредитлар ажратилди.**

**Кун мавзуси**




# "Док-1 Макс" билан боғлиқ гумонланувчилар ҳибсхонада

**"Док-1 Макс" дори воситаси истеъмолидан сўнг бевақт ҳаётдан кўз юмган гўдаклар ҳақидаги ахборотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилингач, ушбу масала тегишли идоралар томонидан ўрганилаётгани айтилди.**

Жумладан, Давлат хавфсизлик хизмати томонидан "Док-1 Макс" дори воситаси билан боғлиқ ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди, дея расмий муносабат билдирилди.

Шунингдек, муносабатда "Ҳиндистоннинг "Marion Biotech Pvt. Ltd" компаниясига тегишли мазкур дори воситаси мамлакатимизга "Quramax Medical" МЧЖ томонидан импорт қилиниб, савдога чиқарилгани, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази хулосасига кўра, "Док-1 Макс" сиропи меъёрий ҳужжатда белгиланган талабларга жавоб бермаслиги қайд этилган.

Ҳозирда ҳолат юзасидан Давлат хавфсизлик хизмати томонидан "Quramax medical" МЧЖ ҳамда "Дори воситаларини стандартлаштириш илмий маркази" МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 186-3-моддаси 4-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, гумонланувчилар ДХХ тергов ҳибсхонасига жойлаштирилган.

Соғлиқни сақлаш вазири Б.Мусаев мазкур воқеалардан сўнг 18 нафар боланинг ота-оналари ва яқинларига ҳамдардлик билдирди. Шу билан бирга, мазкур ишга алоқадор бўлган ва хатоликка йўл қўйган барча айбдорлар жавобгарликка тортилиши ҳамда ҳеч ким билан муроса қилинмаслигини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига кейинги икки ойда келтирилган бемор болаларнинг 21 нафари шу дорини қабул қилгач, ножўя таъсири кузатилган. Бемор болаларда асосан анурия касаллиги кузатилган бўлиб, 18 нафарида бу жуда оғир кечган ва улар вафот этган.

Марказ бошқармага юборган хатида юқоридаги сабаб боис "Док-1 Макс" дори воситасини болаларда қўллашга тақиқ киритилиши сўралган. Ва, ўша куниёқ ушбу дори воситасининг республика миқёсида сотувига тақиқ қўйилганди.

**Хушхабар**




# Пойтахтда Каттақўрғон шаҳар драма театри эътироф этилди

**Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида энг фаол маданият ва санъат ходимларини саралаш бўйича "Эътироф – 2022" танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Маданият ва санъат соҳасида фаолият олиб бораётган соҳа вакилларини рағбатлантириш, уларни муносиб тақдирлаш мақсадида ташкил этилган танловда Каттақўрғон шаҳар драма театри директори Ботир Тугалов маданият ва санъат соҳасидаги юқори даражадаги хизматлари, хорижий давлат театрлари ва режиссёрлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганлиги учун "Энг фаол маданият ва санъат ходими" номинацияси ғолиби бўлди.

Театр жамоаси эътирофга муносиб салмоқли ижод қилди. Жорий йилда ушбу театрда тўртта спектакль саҳналаштирилиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилгани ҳам шундан дарак бериб турибди. Хусусан, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" асари режиссёр Аҳмадилла Ниёзов томонидан, атоқли грузин драматурги Отар Катамадзенинг "Айвон" асарини грузиялик режиссёр Нино Маглакеледзе, озарбайжонлик таниқли драматург Мажид Шамхаловнинг "Қайнона" асари Аскар Аскеров томонидан саҳналаштирилди. Шунингдек, каттақўрғонлик ижодкор Самариддин Сирожиддиновнинг Абдулҳамид Мажидий ҳаётига бағишланган "Давр ўғлони" асарини режиссёр Фарҳод Бойназаров саҳнага олиб чиқди. Шунингдек, ижодий жамоа драматург Шуҳрат Ризаевнинг "Она" спектакли билан Қозоғистон, Озарбайжон ва Грузия мамлакатларида ижодий сафарларда бўлди.

Театр ижодкорлари нафақат республикада, балки халқаро фестивалларда ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда. Хусусан, жорий йилда Туркияда бўлиб ўтган "Айвалик – 11" халқаро театр фестивалида 17 мамлакатдан таклиф этилган 27 жамоа ичида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

# Самарқандликлар 25 та медални қўлга киритди

**Маҳалла ёшларини жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш мақсадида ўтказилган "Беш ташаббус олимпиадаси" мусобақаларининг иккинчи мавсуми якунланди.**

Вилоятимиз вакиллари 8 та олтин, 9 та кумуш, 8 та бронза медалларни қўлга киритди.

- "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг иккинчи мавсумида самарқандлик ёшлар тўққиз спорт тури бўйича баҳсларда қатнашди, - дейди вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Ш.Рўзиев. – Мусобақаларда биринчи ўринни қўлга киритган 8 та маҳаллада универсал спорт майдончаси, иккинчи ўринни эгаллаган 9 та маҳаллада "Street workaut" ва учинчи ўринни қўлга киритган 8 та маҳаллада "Workaut" майдончалари қуриб берилади.




Жумладан, Иштихон, Қўшработ, Нарпай, Оқдарё, Самарқанд туманларида биттадан, Жомбой, Пайариқ, Нуробод, Паст Дарғом, Пахтачи, Тойлоқ туманларида иккитадан, Каттақўрғон шаҳри ва Ургут туманидаги тўрттадан маҳаллада спорт майдончалари қурилади.

**Президент қарорига кўра**

## Самарқандда гимнастика спорт турларига тайёрлаш маркази ташкил этилади

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 декабрда имзоланган "Гимнастика спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб:

- мактабгача таълим ташкилотларида "Гимнастикага илк қадам" дастури;
- умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган, гимнастика спорт турлари бўйича спорт мактабининг бошланғич тайёргарлик гуруҳлари учун ишлаб чиқилган дастур асосида "Болалар учун гимнастика" дастури жорий қилинади.

2023 йил 1 июлга қадар давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни гимнастикага асосланган мунтазам жисмоний машқларга қизиқтириш ва шуғуллантириш бўйича тўгараклар фаолияти йўлга қўйилади.

Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида замонавий моддий-техника ва ўқув-машқ базасига эга бўлган ҳудудий Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказлари ташкил этилади. Улар ўз фаолиятини 2024/2025 ўқув йилидан бошлайди.

Гимнастика марказлари ўқувчиларининг умумий контингенти жами 132 нафарни ташкил этиб, улар 1–11-синф ўқувчиларидан иборат бўлади.

Гимнастика бўйича олимпия захиралари мактабида 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган таълим олувчи ўқувчи-спортчиларнинг умумий контингенти 132 нафарни ташкил этган ҳолда, ўқиш муддати 11 йил бўлиб, ҳар йили 12 нафар иқтидорли ўқувчи-спортчи қабул қилинади.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ва унинг филиалларида гимнастика бўйича амалдаги ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари икки баравар оширилади.

**Президентимизнинг навбатдаги Мурожаатномасининг энг катта кучи таълимга эътибор қаратилганлиги бўлди. Чунки таълимга эътибор – мамлакат келажагига эътибор. Таълимни улуғ алломаларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан муштарак ҳолда асослаш, юртимизда таълимнинг асл негизи борлигидан далолат.**

# "ЯШИЛ МАКОН" ДАВОМ ЭТАДИ



Мурожаатномада кўпдан бери халқни қийнаб келаётган муаммоларга эътибор қаратилган ва бирорта соҳа назардан четда қолмаган. Мурожаатнинг яна бир муҳим жиҳати Самарқанд шаҳри алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида республика бўйсунувига ўтказилиши ҳақидаги ташаббус билдирилишидир. Самарқанд шаҳри дунё танийдиган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айланаётгани айни ҳақиқат.

Мурожаатномада "Яшил макон" дастурига ҳам алоҳида тўхталинди ва бу умуммиллий лойиҳанинг долзарблиги, унинг давомийлиги таъкидланди. Лойиҳа доирасида биргина вилоятимизда 2022 йил кузида 6,5 миллиондан ортиқ дарахт кўчати экилди.

Яшил иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини қондириш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Нуробод туманида катта ҳажмдаги қуёш панеллари ўрнатилганлиги ва вилоят бўйлаб яшил боғлар, дарахтзорлар барпо этилаётганлигини бу борадаги дастлабки қадам, дейиш мумкин.

**Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,**
**халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

# Йўллар халқ мулки

## Уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз

**Якунига етаётган йилда бошқармамиз томонидан вилоятдаги 27 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.**

2555,2 километр умумфойдаланувдаги ва ички йўлларда қурилиш, таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Жумладан, 111,9 километр автомобиль йўллари, 178,3 километр пиёдалар ва велосипед йўлаклари реконструкция қилинди. Шунингдек, 3500 дона интенсив нур қайтарувчи йўл белгилари, 4303 дона энергия тежовчи тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Самарқанд кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан 2 та янги кўприк қурилиб, 5 та кўприк таъмирланди.

Халқаро аҳамиятдаги М-39 "Тошкент-Термиз" автомобиль йўли, М-37а Самарқанд халқа автомобиль йўли, Имом Бухорий мажмуасига олиб борувчи автомобиль йўли ҳамда М-37 "Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши" автомобиль йўлларида қайта қуриш ва тўла таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қорадарё устида янгидан қурилган кўприк ёнлама қия кўринишда барпо этилган бўлиб, бу типдаги кўприк қурилиши вилоятимиз миқёсида илк бор амалга оширилди.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳридаги Уста Умар Жўрақулов, Рудакий, Ибн Сино, Бўстонсарой, Садриддин Айний, Регистон ва Панжикент кўчаларидаги таъмирлаш ишлари Германия, Корея, Туркия каби ривожланган давлатлардан келган мутахассислар иштирокида жаҳон андазаларига мос лойиҳалар асосида бажарилди. Жумладан, янгиликлардан бири йўлларда қўлланилган ёпиқ турдаги сув қочириш тизими ва ҳаракатни ажратиб турувчи М-1 тоифали металл тўсиқлар ўрнатилгани бўлди.

Шу вақтгача йўл қурилишида ишлатилган иссиқ асфальт-бетон таркибидаги чақиқ тош материали 40-50 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда А тип маркадаги асфальт-бетон материалидан фойдаландик. Чунки унинг таркибидаги чақиқ тошнинг ҳиссасини 50-60 фоизга ошириш орқали йўл қопламасининг юк кўтариш қобилиятини ошириш ҳамда иссиқ об-ҳаво натижасида қопламадаги тўлқинсимон чўкишларнинг олди олинади. Қолаверса, йўл ёқаларига иқлимимизга мос келувчи, декоратив 112,3 минг донадан ортиқ катальпа, пальма, магнолия, лола ва ясен дарахт кўчатлари, шунингдек, чинор, қора сосна, фотиния, гортензия, ионумус, самшид, тунжа каби хориждан келтирилган дарахт ва бута кўчатлари ўтқазилди.



Бош бошқармамиз қошида 4 та пудрат ташкилоти ва 14 та туман йўллардан фойдаланиш унитар корхоналари бўлиб, улар 480 та замонавий техника ва машиналар билан таъминланган.

Янги 2023 йилда ҳам қурилиш-таъмирлаш ишларини давом эттирган ҳолда Имом Бухорий мажмуаси, Самарқанд шаҳридаги Рудакий, Гагарин, Беруний ҳамда Мирзо Улуғбек кўчаларидаги янги иншоотларни қуриш, Халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларини таъмирлашда иштирок этиб, юртимизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**Акбар МИРЗАЕВ,**
**вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

# Маҳалланинг ўз бюджети бўлади



**Мурожаатномада маҳалла тизимининг обрўйини ошириш, унга катта эътибор бериш лозимлиги алоҳида таъкидланди.**

Юртбошимизнинг 2023 йилдан маҳалла бюджетининг шаклланиши ва мол-мулк солиқларининг бир қисми маҳалла ихтиёрида қолдирилиши тўғрисидаги таклифи барча маҳалла раисларининг дилидаги фикри бўлди, десам муболаға бўлмайди. Шунингдек, бундан буён давлат инвестицияси дастурлари маҳалла даражасига тушурилиши ҳамда 2023 йилдан ҳар бир маҳалла ўзининг кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши зарурлигини таъкидлади. Эндиликда маҳалла раиси муаммоларни ўз вақтида илғаб, жойида бартараф қилиб, ҳалқнинг розилиги билан яшамоғи ва бутун билим, тажрибасини маҳаллани обод этишга, аҳолининг фаровонлигини таъминлашга қаратмоғи лозим.

Юртбошимиз мурожаатномада шунингдек, ижтимоий дафтарлар ҳақида фикрларини баён этди. Ҳақиқатан ҳам бу дафтарлар замирида инсонлар тақдири ётибди.

Маҳалла институтининг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти беқиёс. У инсон туғилиб, тарбия топадиган, жамият аъзоси сифатида шаклланадиган, қувончу ташвишлари кечадиган маскан. Шу боис давлатимиз раҳбари мамлакатимизда маҳалла институтини такомиллаштиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратмоқда.

**Олимжон ҒАФУРОВ,**
**Самарқанд шаҳридаги Ғафур Ғулом номли маҳалла раиси.**

# Замонавий автобуслар

## жамоат транспорти нуфузини оширади

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига ва Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таълим, энергетика соҳалари қатори аҳолининг жамоат транспортига бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, келгуси йилдан бошлаб жамоат транспортидаги вазият мутлақо ўзгаради. Тошкент шаҳри учун қўшимча равишда мингта замонавий автобус сотиб олинади, 7 та ер усти метро бекати ишга туширилади. Ҳудудларда ҳам йўловчи ташиш сифатини яхшилаш мақсадида яна мингта автобус ҳаракати йўлга қўйилади.



Албатта, аҳолининг жамоат транспортига бўлган эҳтиёжини қондириш, чекка ҳудудларни туман, шаҳар ва вилоят маркази билан боғлаш асосий вазифалардан бири бўлиб турибди. Айниқса, шаҳар марказида транспорт жозибадорлигини ошириш, автобуслар қатновини тўғри йўлга қўйиш, жамоат транспорти ҳаракати учун автомобиль йўлларида алоҳида тасмалар ажратиш энг мақбул ечимдир.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида жамоат транспортининг нуфузини ошириш мақсадида амалий ишлар бошлаб юборилган. Жорий йилда олиб келиниши режалаштирилган 80 дона автобуснинг дастлабки йигирматаси йўловчилар хизматида бўлса, қолган автобусларнинг ҳам тез орада келиши кутилмоқда.

Шунингдек, 2023 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда йўловчи ташиш учун зарур талаблар асосида жиҳозланган 350 дона электробус келтирилади.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида жамоат транспортида ҳаракатланиш қулайлигини ошириш мақсадида Беруний, Ибн Сино каби 8 та марказий кўчада алоҳида тасмалар ажратилиши борасида дастлабки лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

**Акобир АШУРОВ,**
**вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.**

# Йил якунланяпти, режадаги лойиҳалар амалга ошмаган

**Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар натижасида улар орасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиганлар сафи кенгайиб бормоқда. Вилоятимизда ҳам ёшларнинг инновацион ғоялари ва стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биргина 2021 йилда 14 нафар самарқандлик ёшнинг стартап лойиҳаси молиялаштирилиб, 1 миллиард 924 миллион сўм маблағ ажратилган.**

Жумладан, Каттақўрғон тумани ёшларидан бири Абдували Эргашевга "Yamata IT akademiyasi" лойиҳаси учун 202 миллион сўм маблағ ажратилди. Ёш тадбиркор лойиҳа доирасида Япония технологияси асосидаги инновацион марказ ташкил қилди ва бу ерда 25 нафар ёш япон мутахассислари томонидан бепул ўқитилди.

Самарқанд шаҳрида яшовчи Султона Исрофиловага эса "DietCake" лойиҳаси учун 24 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада қандли диабет билан касалланган беморлар, бу касалликнинг олдини олиш учун парҳез қиладиганлар, спортчилар учун ширинликлар ишлаб чиқариш ва буюртма орқали етказиб бериш хизмати йўлга қўйилди.

Хўш, бу каби стартап лойиҳалар жорий 2022 йилда қай даражада амалга оширилди?

- Жорий йил бошидан бугунги кунга қадар вилоятимиз ёшлари томонидан 71 та стартап лойиҳа тақдим этилган, - дейди Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси мутахассиси Завқий Абдувоитов. - Шундан 25 таси саралаб олинди. Қайтарилган лойиҳалар бундан олдин қўлланилган, деб топилди.

Йил якунланяпти, аммо лойиҳалар ҳали молиялаштирилмаган.

- Тўғри, йил якунланишига саноқли кунлар қолди, - дейди мутахассис. – Айрим сабабларга кўра саралаш жараёнлари кечикди. Айни пайтда сараланган лойиҳалар қайта кўриб чиқилмоқда ва улар йил якунига қадар молиялаштирилиши режалаштирилган.

Лойиҳалар тайёрланади. Тақдим этилади. Сараланади. Молиялаштирилади. Амалга оширилади. Нима бўлганда ҳам масъуллар масъулиятлироқ бўлиб, ҳар бир ишнинг ўз вақтида бажарилишини таъминласа, кутилган натижага эришиш мумкин. Асосийси, ҳар бир лойиҳанинг жамиятга нафи тегиши лозим.

**Тўлқин СИДДИҚОВ.**

## 2022 йил сарҳисоби

Ўтган деҳқончилик мавсумида уста ғаллакорларнинг заҳматли меҳнати эвазига 7,2 миллион тонна ҳосил етиштирилиб, шундан 4 миллион тоннадан ортиғи деҳқон ва фермерлар ихтиёрида қолди.
Қишлоқ ҳудудларида аҳолини доимий иш ва даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида илк бор 100 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, шаффоф ва очиқ тизим орқали 440 мингдан ортиқ аҳолига деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратилди.
Бунда аҳолининг яшаш пунктларига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган ерларни 30 йил муддатга ажратиш амалиёти жорий этилди.

# Бу йилги магистратура қабули нима учун кескин камайиб кетди?

**2022–2023 ўқув йилидан бошлаб магистратура таълим йўналишига ўқишга қабул қилишда талабгорлардан хорижий тилни билиш ҳақидаги сертификат талаб қилинди. Ўтган йил олий таълим муассасаларидаги 78 фоиз профессор-ўқитувчиларнинг чет тилини билиш даражаси қониқарсизлиги, шунингдек, 18 та олийгоҳда бирорта ўқитувчи хорижий тилни билиш сертификатига эга эмаслиги танқид қилинганди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 15 июндаги "Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига кўра, магистратурага талабгорлар бакалавриат диплом бали ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилни билиш ҳақидаги сертификат асосида қабул қилинадиган бўлди. Энди магистратурага қабул бир йилда икки марта – август ва январь ойларида ташкил этилади ва мутахассислик фанидан имтиҳон ўтказилмайди.

Белгиланган тартибга кўра, август ойидаги қабул навбатдаги ўқув йили учун тасдиқланган давлат гранти ва тўлов-контракт асосидаги квоталар учун, январь ойидаги қабул ёзда тўлмай қолган ўринлар ҳамда Давлат қабул комиссияси томонидан тасдиқланган контракт асосидаги қўшимча квоталар учун бўлади.

Бундан ташқари, давлат олий таълим муассасалари магистратурасига ўқишга кирган барча хотин-қизларнинг тўлов-контракт миқдорлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериладиган бўлди. Аммо шунча имконият бўлишига қарамай, жорий йилда магистратурага киришни истовчилар кескин камайиб кетди. Бунга сабаб, хорижий тилни билиш ҳақидаги сертификат йўқлиги айтилмоқда. Масалан, Самарқанд давлат чет тиллар институти учун янги ўқув йилида магистратурага жами 287 та квота ажратилган. Танлов натижаларига кўра, 139 нафар талабгор ўқишга тавсия этилган ва шундан 115 нафари қабул қилинган.

Вилоятдаги бошқа олий таълим муассасаларида аҳвол бундан ҳам ачинарли. Мисол учун, Самарқанд давлат тиббиёт университетида магистратурага жорий йилда 35 та мутахассислик бўйича 200 та ўрин ажратилган бўлса, бор-йўғи 13 нафар талаба қабул қилинган. Шулардан ўн нафари хотин-қиз. Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети магистратура босқичи учун 132 та квота ажратилган бўлиб, атиги 6 нафар талаба қабул қилинган. Улардан икки нафари хотин-қиз.

Ушбу кўрсаткичлар бир томондан бакалавриат таълим йўналишини битирган талабаларнинг чет тилидан билим савиясини ҳам белгилаб берди. Хорижий тилни билиш ҳақидаги сертификатнинг йўқлиги сабаб магистратурага киришни хоҳловчи ёшлар камайиб кетгани бир томондан ачинарли, албатта. Аслида чет тили фани мактабдан олий таълим муассасасигача ўқитилади. Унда нега ёшлар чет тилини билмайди, деган савол туғилади. Бунинг асосий сабаби, шу пайтгача мактабда ҳам, олий таълим муассасаларида ҳам чет тили ўқитувчиларидан хорижий тилни билиш даражаси бўйича сертификат талаб қилинмасди. Энди эса бундай талаб қўйиляпти.

Айни пайтда баъзи мактаб ўқувчилари қўшимча дарслар асосида бир-икки йилда хорижий тилни билиш даражаси бўйича сертификатни қўлга киритмоқда. Ушбу сертификат орқали мактабни битирмасдан хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган ёшларимиз ҳам талайгина. Астойдил киришганлар сертификатни олти ойда ҳам оляпти.

Тўғри, бунинг учун вақтни беҳудага сарфламасдан чин кўнгилдан ўқиш талаб этилади. Агар талаба мактабда ва олий таълим муассасасида чет тилидан яхши ўқиган бўлса, бироз тайёргарлик кўриб, сертификатни қўлга киритиши мумкин. Бугунги кунда интернетда чет тилини ўргатадиган онлайн дарслар ҳам мавжуд. Репетиторга қатнамасдан уйдан туриб ҳам тил ўрганиш имконияти бор. Муҳими, хоҳиш бўлса бас.

Балки қишки таътилда магистратурага талабгорлар кўпайиб қолар? Буни вақт кўрсатади. Аммо бугунги замон талаби шундай – олий таълимни давом эттирмоқчи бўлган ёшлар бирор чет тилини мукаммал билиши шарт. Айтганча, магистратурага қишки қабул 2022 йилнинг 20 декабридан 2023 йилнинг 10 январигача давом этади. Талабгорлар онлайн рўйхатдан ўтади.

Аслида бундай талабнинг қўйилгани ҳам бир томондан тўғри бўлди. Жаҳон стандартларига мос мутахассислар тайёрлашимиз учун хорижий олий таълим муассасалари билан тажриба алмашишимиз, бунинг учун чет тилини яхши биладиган профессор-ўқитувчилар тайёрлашимиз лозим. Шунингдек, хорижий тажрибаларни амалиётда қўллаш учун бошқа соҳа ходимлари ҳам чет тилини яхши билиши шарт.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА.**



Булунғур тумани Зарафшон маҳалласида яшовчи Бекзод Бозоров томорқасида иссиқхона ташкил этиб, бир неча йилдан буён лимон етиштиради.

– Иссиқхонада лимон етиштириш истагида кўп лимончилардан маслаҳат олдим, - дейди Б.Бозоров. – 2016 йилда 90х20 ҳажмда иссиқхона қуриб, водийдан 200 туп кўчат келтиргандим. Икки йил ўтиб ҳосилга кирди. Иссиқхона харажатлари ҳам қопланди. Даромаддан уй қурдик, машина олдик, тўй қилдик.

**Раббим ҲОТАМОВ.**

*Суратда: Б.Бозоров иссиқхонада.*

# 6 миллион туп кўчат экилди

Матбуот уйида бўлиб ўтган анжуманда вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бобур Санақулов "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Таъкидланишича, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан вилоят ҳудудида 16 миллион туп манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари экиш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача 6 миллион 145 минг тупи экилди. 2023 йил баҳорида 243 минг туп кўчат ўтқазилади.

- Кўчат экиш ишларини самарали ташкил этишда агротехник қоидаларга риоя этиш, парваришлаш ва суғориш ишларини тизимли амалга оширишни ташкил этиш мақсадида тажрибали олим-агроном ва боғбонлар жалб қилинди, - дейди Бобур Санақулов.

Кўчатларни етказиб бериш ва нарх барқарорлигини таъминлаш мақсадида 31 та кўчат ярмаркалари ва савдо нуқталари ташкил этилди.

Жамоатчилик назорати асосида Самарқанд шаҳри, Нуробод, Иштихон, Паст Дарғом ҳамда Тойлоқ туманлари ҳокимликлари томонидан 1700 дан ортиқ кам таъминланган оилага 10 тупдан мевали дарахт кўчатлари бепул тарқатилди.

Ҳар бир туман ва шаҳарда барпо этилган "Яшил боғ"ларга 106 мингдан зиёд мевали дарахт кўчатлари экилди. Шунингдек, 13 ҳудуддаги 64,2 гектар ер майдонида "Яшил жамоат парклари" ташкил этилиб, уларда қарийб 22 минг туп манзарали дарахт ва буталар парваришланмоқда.

Анжуманда бошқарма мутахассислари журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

**Дилмурод ТЎХТАЕВ.**

SQB

# КОРХОНАНГИЗ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИНИ БАНК КРЕДИТИ ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИНГ




**"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ юртимизда иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолига молиявий кўмак кўрсатиш борасида пешқадам молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Ўтган вақт давомида тижорат банки томонидан кўрсатилган хизматлар ва молиявий кўмак туфайли бизнес соҳасида янги иш бошлаган тадбиркорлар сони янада кўпайди. Банкнинг молиявий қўллаб-қувватлови остида кичик тадбиркорлик субъектлари катта ишлаб чиқариш корхоналарига айланди.**

Ҳозирда молия муассасаси томонидан йирик корхоналар ва тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун олтита хизматлар пакети таклиф этилмоқда. Шундан "Working Capital", "Kontokorrent", "Factoring", "Eksportoldi moliyalashtirish" номли хизматлар пакети йирик корхоналарга, "Aylanmaga kredit" ва "Eksportni rag'batlantirish" эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мўлжалланган.

Мазкур хизматлар қуйидаги шарт ва афзалликларга эга:

**"Working Capital"** – очиқ ёки ёпиқ кредит линияси орқали айланма маблағларни тўлдириш учун, миллий ва хорижий (АҚШ доллари, евро) валютада ажратилади. Очиқ линия бўлганда 36 ойгача, ёпиқ линия бўлганда 12 ойгача, имтиёзли давр эса корхонанинг молиявий имкониятидан келиб чиқиб белгиланади.

**"Kontokorrent"** – мижознинг асосий ҳисобварағида етарли маблағи бўлмаган тақдирда, уни тўлдириш учун миллий валютада очиқ линия асосида 12 ойгача мижознинг охирги 6 ойдаги ўртача савдо тушумининг 25 фоизигача, аммо 5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда.

**"Factoring"** – хизмат регресс ҳуқуқи билан дебиторлик қарздорликни сотиб олишга мўлжалланган бўлиб, миллий валютада 180 кунгача, хорижий валюта (АҚШ доллари ва евро)да 120 кунгача тақдим этилади.

**"Eksportoldi moliyalashtirish"** – очиқ ёки ёпиқ кредит линияси орқали экспортолди харажатларни молиялаштириш учун миллий ва хорижий (АҚШ доллари ва евро) валютада 18 ойгача (кредит нақд пулда берилганда 90 кунгача) берилиши кўзда тутилган.

Корпоратив мижозларига мўлжалланган ушбу хизматлар бўйича фоизлар банкнинг ички кредит сиёсатига асосан белгиланади. Улардан фойдаланиш учун корхона ҳисоб-рақами сўнгги 6 ойда "Ўзсаноатқурилишбанк"да очилган бўлиши лозим.

**"Aylanmaga kredit"** – очиқ ёки ёпиқ кредит линияси орқали айланма маблағларни тўлдириш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, кредит қарздорликлари қолдиғини сотиб олиш ҳамда божхона тўловлари учун мўлжалланган. Миллий ва хорижий (АҚШ доллари, евро) валютада 36 ойгача, бунда миллий валютада 24 фоиздан, хорижий валютада 11 фоиздан бошлаб ҳисобланади. 15 миллион АҚШ доллари эквивалентида 9 ойгача имтиёзли даврга ажратилади.

**"Eksportni rag'batlantirish"** – очиқ ёки ёпиқ кредит линияси орқали экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш мақсадида, шунингдек, тўловларни кечиктириб тўлаш шарти билан экспорт қилинганда, айланма маблағларни тўлдириш мақсадида тақдим этилади. Миқдори бир миллион АҚШ доллари эквивалентида, муддати 12 ойгача, йиллик 4 фоизгача, 9 ойгача бўлган имтиёзли давр билан ажратилади.

Таъкидлаш жоиз, "Ўзсаноатқурилишбанк" тизимида кредитлаш жараёнида шаффофлик ва тезкорликни таъминлаш мақсадида андеррайтинг усули йўлга қўйилган. Унга кўра, ҳар қандай, шу жумладан, айланма маблағларга ажратилаётган кредитлар мижозларга ижобий кредит тарихига эга бўлган тақдирда тақдим этилади.

2022 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, муассаса томонидан 7 триллион 780 миллиард сўмга яқин шу турдаги кредит маблағлари ажратилди ва буни ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда 1,2 баравар кўп демакдир. Бунда корпоратив мижозларга тақдим қилинган кредитлар улуши юқори бўлиб, ўсиш 145 фоизни ташкил этмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ишлаб чиқариш узлуксизлиги ва товар-пул оқимининг ўзаро мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилаётган бундай кредитлардан мижозлар 1 йилда беш ва ундан ортиқ маротаба фойдаланмоқда.

**"Ўзсаноатқурилишбанк" ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*




## "SAMARQAND DILLER RIELTOR SERVICE"

**масъулияти чекланган жамияти музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган оммавий офёрта савдоларига таклиф этади.**

Тойлоқ туманидаги "Р.Саидназаров агротехсервис" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2022 йил 25 ноябрдаги 1-сонли умумий йиғилиш баёнига ҳамда мурожаат хатига асосан жамиятга қарашли Тойлоқ тумани Шопулот қишлоғида жойлашган қурилиш ости ер майдони 957,72 кв.м. бўлган **гараж биноси таркибидаги бино иншоотлар** савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 150 500 000 (Бир юз эллик миллион беш юз минг) сўм.

Музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган оммавий офёрта савдолари ушбу мол-мулк савдоси матбуотда эълон қилинган санадан бошлаб иш кунлари (душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари) музокаралар ўтказиш йўли билан ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан акцепт аризалари мазкур мулк сотилгунга қадар қабул қилинади. Акцепт аризалар қабул қилиш мулк сотилгандан ёки у савдолардан олингандан кейин тўхтатилади.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 91-"А" уй.**

**Мурожаат учун телефонлар: +99866-234-36-50, +99891-522-74-09.**

*Хизматлар лицензияланган.*

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Оқдарё туманидаги "BOLTA G'ALLASI" фермер хўжалиги (СТИР: 305171418) ўз устав фондини 80 000 000 (саксон миллион) сўмдан 79 000 000 (етмиш тўққиз миллион) сўм камайтириб, 1 000 000 (бир миллион) сўм этиб белгиламоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Оқдарё тумани Болта қишлоғи.**

* * *

Ургут туманидаги "JAMSHID HOSILDOR BOG'LARI" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 303174984) ўз устав фондини 4 631 848 840 (тўрт миллиард олти юз ўттиз бир миллион саккиз юз қирқ саккиз минг саккиз юз қирқ) сўмдан 124 420 000 (бир юз йигирма тўрт миллион тўрт юз йигирма минг) сўм камайтириб, 4 507 428 840 (тўрт миллиард беш юз етти миллион тўрт юз йигирма саккиз минг саккиз юз қирқ) сўм этиб белгиламоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Ургут тумани Ғўс қишлоғи.**

* * *

Тойлоқ туманидаги "BAXMAL TO'QIMA" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 308714189) ўз устав фондини 10 473 785 000 (ўн миллиард тўрт юз етмиш уч миллион етти юз саксон беш минг) сўмдан 10 463 785 000 (ўн миллиард тўрт юз олтмиш уч миллион етти юз саксон беш минг) сўм камайтириб, 10 000 000 (ўн миллион) сўм этиб белгиламоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Тойлоқ тумани "Қўрғонча" МФЙ.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Артиков Акмал Раббимовичга (2016 йил 3 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасида марҳум Тоштемиров Эшназарга (2012 йил 23 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Турсунов Сухроб Бердикулович нотариал идорасида марҳум Пўлатов Қаҳромон Хамрақуловичга (2019 йил 19 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Турсунов Сухроб Бердикулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Беруний кўчаси, 200-уй, 3-хона.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Ашуров Ахатга (1991 йил 28 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Ниязов Ташпулатга (1948 йил 10 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Холмуродов Анвар Холмурод ўғли нотариал идорасида марҳум Саидмуродов Жўрамуродга (2022 йил 11 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Холмуродов Анвар Холмурод ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Авезов Мавлонберди Рахмонбердиевичга (2022 йил 4 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

* * *

Иштихон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Халиқов Жамшид Абдурашидович нотариал идорасида марҳум Нишонов Бурхон Темировичга (2022 йил 26 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Халиқов Жамшид Абдурашидович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Иштихон шаҳарчаси Иштихон кўчаси, 20-уй.**

* * *

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ургут туманидаги "URGUT FAVVORALARI" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 305462173) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



# O'QITUVCHI BERADIGAN BILIMNI BOSHQA HECH KIM BEROLMAYDI

Jamiyatimizda maktab muammosi, maktabdagi o'qituvchilar va o'quvchilar o'rtasidagi munosabatlarga oid ba'zi fikrlarimni sizlar bilan o'rtoqlashishni lozim topdim. Albatta, buning o'ziga yarasha sabablari bor. Hozir e'tibor bersak, o'quvchilardan o'qituvchilar, o'qituvchidan esa ota-onalar ko'p nolib gapirishayotganiga beixtiyor guvohi bo'lib qolyapmiz.

Bunga sabab nima?

Buning eng katta sababi – oiladagi muhit-tarbiyadir, ya'ni jamiyatning eng kichik bo'g'ini bo'lmish OILADAGI katta yoshdagi kishilar – OTA-ONA va BUVA-BUVIJONlarning maktab va maktabdagi kishilarga nisbatan shaxsiy munosabatlaridir.

MUNOSABAT NIMA?

Munosabat, menimcha, kishilarning bir-biriga bo'lgan fikr, o'y, xayol, tasavvur va shunga o'xshash tushunchalarni bildirishidir. Bu o'zaro muloqotga kirishish, ya'ni fikr almashish jarayonidan so'ng amalga oshadi. Ayni vaqtda o'quvchilarning fe'l-atvorini, yutuq-kamchiliklarini talqin qilayotgan kishilar ko'pincha osongina qilib, o'qituvchini ayblaydi. Aslida ham shundaymi?

Yo'q, aslida bu yerda gap o'zaro mehr-oqibat, o'rnak olish, ibrat ko'rsatish, yordam berish, kechirimli bo'lish, asosiysi, kechira olish kabi qadriyatlarning unutilib borilayotganidadir. Aksariyat bolalar, afsuski, garchi tan olgimiz kelmasa-da, uyidan (hech bo'lmaganda, turli xil saviyasiz seriallar orqali) yolg'onni o'rganib kelishyapti, to'g'rirog'i, ulardan o'rnak olib, kattalarga, xususan, o'qituvchilarga nisbatan behurmatlik qilishyapti... Men sizlarga bir voqeani aytib beraman, erinmasdan oxirigacha o'qing, balki bu sizga asqatib qolar.

1998-yilning noyabr oylari edi. Bizning oilamiz harbiy oilasi bo'lgani uchun tug'ilib o'sgan joyimizdan uzoqda bo'lishga to'g'ri kelardi. Shunday kunlarning birida biz yashab, o'rgangan joyimizdan boshqa hududga ko'chib o'tdik. Bu shaharcha avvalgisidan ancha farq qilardi. Chunki biz katta shahardan kichik bir tuman markaziga ko'chib kelgan edik, vaqtincha kvartira topib, unga yaqin joydagi maktabga farzandlarimizni joylashtirib qo'ydik. Bir oy o'tar-o'tmas kvartira egasi uyni sotmoqchi ekanligini, shu sababli uni bo'shatishimizni so'raganida, tinchimiz buzildi. Keyin bu shaharchaga biroz o'rganganimiz sababli tanishlar orqali boshqa mahalladan uy topib, ko'chib o'tdik. Bu uy dadamizning ishxonasiga yaqin-u, bolalarning maktabiga uzoq edi. Shuning uchun farzandlarimni o'qiyotgan maktabidan yangi "uyimiz"ga yaqin maktabga joylashtirdim. So'ng uyga qaytsam, qishlog'imizdan bizni ko'rgani otam kelgan ekan. Biz otam ikkimiz yaqinlarimiz, qishloqdagi yangiliklar haqida suhbatlashib o'tirganimizda, o'g'lim maktabdan yig'lab keldi. Qo'lida baholar tabeli. O'g'lim otamni ko'rganidan keyin shunchalik ichikib yig'ladiki, beixtiyor ko'zlarimga yosh keldi.

O'g'limdan surishtirib bilsam, voqea shunday bo'lgan ekan: 3-soat matematika darsida o'qituvchi "Uch hadli amallarni bajarish" mavzusini o'tgan va o'quvchilarga mavzuni tushuntirib, unga doir misolni doskada ishlab ko'rsatayotgan vaqtda o'qituvchi bitta sonni, ya'ni yoddagi sonni qo'shmay ketgan.

Oqibatda misol mexanik jihatdan xato ishlangan, buni o'g'limdan boshqa o'quvchilar sezmagan. Shunda o'g'lim misolning xato bajarilganini aytgan. Va doskaga chiqib, o'qituvchining yo'l qo'ygan xatosini isbotlab bergan. Yangi kelgan boladan buni kutmagan o'qituvchi alam bilan "erkatoy" o'g'lim sha'niga bir-ikkita qo'pol so'z aytib, kamiga bir shapaloq urgan. O'g'limga bu shapaloq nohaqlikning isboti bo'lgan, darsdan yig'lab chiqib, "zavuch" (ilmiy bo'lim mudiri)ni sinfga boshlab kelgan. O'qituvchining ishlagan misolida o'g'lim aytgan haqiqat yaqqol ko'ringan. "Zavuch" o'g'limga o'qituvchi ham avliyo emas, odam ekanligini, u ham charchashi mumkinligi, charchaganda bunday holatlar bo'lishi tabiiyligini va boshqa sabablarni ko'rsatib, o'qituvchini himoya qilgan. Shunda o'g'lim: "Nega menga shapaloq urib, meni "kelgindi" deb haqorat qilishi kerak? Tushuntirib bersin!", deb yig'layvergan. Oxiri o'qituvchi kechirim so'rab, ikkinchi xato qilmaslikka va o'quvchilarni urmaslikka so'z beradi, o'g'lim esa "zavuch"dan baholar tabelini so'rab, endi bu maktabda boshqa o'qimasligini, uzoq bo'lsa ham oldin o'qigan maktabiga borishini aytadi. Haqqini talab qiladigan bunaqa boladan oson qutulganiga shukr qilgan "zavuch" o'g'limning baholar tabelini qo'liga berib yuboradi.

Bu hodisaning beixtiyor guvohi bo'lgan mehribon otajonim bizga bir ibratli hikoyani aytib berdi. ... Va qissadan hissa sifatida otam menga: "Sen bolalaringning bilimini kamaytirmasdan, ularni oshirishni xohlasang, ularning oldida hamisha o'qituvchilarini maqtab gapir. O'qituvchisiga esa "Sizni farzandim yaxshi ko'radi, doim sizni bizga maqtaydi", degin. Sababi, sen musofirsan, seni bu yerda hech kim tanimaydi, bolalaringni ham. Ularning yaxshi unib-o'sishiga, albatta, o'qituvchilar yordam beradi. Esingdan chiqmasin BOLALARINGNING BIRINCHI HIMOYACHISI, ALBATTA, O'QITUVCHISIDIR", dedilar.

Keyin bugungi holatni misol keltirib, shunday o'git berdilar: "Misol uchun, maktabni kichkina yoki katta bir davlat deb olsak, bolalarni shu davlat ichida o'qib-yashaydigan teng huquqli fuqarosi desak, o'qituvchilar shu davlatni boshqaruvchi va nazoratchilaridir. Farzandingning yonini olib, ular bilan tortishmagin, chunki maktabning ham o'z yozilmagan qonunlari bo'ladi".

Men, farzandlarimni maktabda yaxshi bilim olib, ulg'ayishi uchun otamning maslahatiga yuz foiz amal qildim, chopib maktabga bormadim. Uzoqroqda bo'lsa ham, o'g'lim oldin o'qigan maktabga borib, farzandlarimni topshirdim va albatta, ularni bu maktabga qaytarishimning asl sababini aytmadim. Aksincha, ustozlariga "Farzandlarim sizlarni yaxshi ko'rib qolibdi, "shu yerda o'qiyman" deb turib oldi, ikkala o'g'limni ham sizlarga ishonib topshiraman. Avvalgilar aytganidek, eti – sizniki, suyagi – bizniki, qanday yordam bo'lsa, qo'limizdan kelganicha bajarishga tayyormiz", dedim.

Bu maktabning direktori ayol kishi ekanligi uchunmi, farzandlarimga juda katta ishonch, mehr va muhabbat bilan qaradi. Bunday munosabatni ko'rgan jamoadagi boshqa o'qituvchilar ham farzandlarimga yaxshi munosabatda bo'lishdi. Ularning har bir yutug'ini faxr bilan aytib, hammamizni xursand qilardi. Ora-orada maktab direktori hamda o'qituvchilar bilan farzandlarimning yutuq va kamchiliklari haqida alohida gaplashib turardim. Ko'cha-ko'yda, bozorda, tadbirlarda ko'rib qolsam, doim mehr bilan o'qituvchilarni maqtardim. Ular ham o'z navbatida farzandlarimga bor mehrlari bilan ustozlik qilardi. 2004-yilning aprelida biz boshqa hududga yana xizmat taqozosi bilan ko'chib ketdik. Farzandlarimning kattalari, ya'ni ikkala o'g'limni mana shu o'qituvchilarning g'amxo'rligiga ishonib tashlab ketdik. Chunki ular maktab bitiruvchilari edi. Men har hafta kelib, xabar olib turardim.

ALLOHGA SHUKUR, katta o'g'lim 11-sinfni, ikkinchi o'g'lim 9-sinfni a'lo darajadagi shahodatnomalar bilan bitirishdi. Katta o'g'lim Navoiy tog'-kon metallurgiyasi institutiga, ikkinchisi kollejni tugatib, Toshkent texnika universitetiga o'qishga kirdi. Hozir ish faoliyatini a'lo darajada yurityapti.

Uchinchi farzandim – qizim ham 1-sinfni maktabda, keyin bog'cha-gimnaziyada, 4-sinfdan keyin oddiy maktabda o'qidi. Xizmat taqozosi bilan boshqa hududga ko'chganimizda, o'sha yerdagi maktabda o'qib, IX sinfni a'lo darajali shahodatnoma bilan tugatdi. Avval akademik litseyda, so'ng SamDUda o'qidi, bakalavr, keyin magistr darajasini oldi.

Shunisi quvonarliki, qizim bakalavrlikda ham, magistrlikda ham davlat grantida o'qidi. Hozir maktabda o'qituvchi bo'lib ishlayapti.

Keyingi farzandlarim – egizaklarimni (2002-yilda tug'ilishgan) ham maktabda otam aytgan o'gitlar bilan, ya'ni o'qituvchilarini maqtash va ularga mehr-muhabbatimizni izhor qilgan holda o'qitdik.

Men farzandlarimga ta'lim-tarbiya bergan barcha o'qituvchilariga boshim yerga tekkuncha ta'zim qilaman. Ularning mashaqqatli va sharafli ishlarini qadrlayman.

O'qituvchilik kasbi – sharafli kasb. Bu kasbni hamma ham qilavermaydi. Yuragida o'ti, bolalarga mehri bor insonlargina qila oladi. Buni tushunish uchun o'qituvchi mehnati va mashaqqatini his qilish kerak. Bilimsiz yoki bilimi past o'qituvchi bo'lmaydi, Unga bekorga o'qituvchi unvoni va diplomi berilmaydi. O'qituvchi o'quvchiga bera oladigan yo'nalishni hech kim bera olmaydi. Biz o'qituvchining bilimini, farzandimizga bo'lgan yaxshi-yomon munosabatini kuzatmasdan, uning bergan yo'nalishiga, farzandimizning darsga bo'lgan munosabatiga, fanga bo'lgan qiziqishiga, o'qituvchiga bo'lgan munosabatiga e'tibor beraylik.

Azizlarim, farzandlarimizning ko'p vaqti maktabda, ya'ni o'qituvchilar qurshovida o'tadi. Ayniqsa, so'nggi vaqtda qo'shimcha dars, repetitor sabab, bu holat ancha ko'paydi. Siz, aziz ota-onalar, bilib-bilmay farzandingiz va ularning o'qituvchisi orasiga yomonlik urug'ini tashlamang! O'g'lingiz va qizingizning o'qituvchisiga nisbatan salbiy munosabatda bo'lmang, doim yaxshi gumonda bo'ling, yaxshilikka umid qiling, ana o'shanda maqsadingizga erishasiz hamda ko'nglingiz xotirjam bo'ladi.

Shu o'rinda mavzuga taalluqli bo'lgan bir ibratli hikoyani sizga ham ilinishga jazm qildim.

**FARZANDIM FOTIH BO'LSIN DEGANLARGA**

Fotih Sulton Mehmet Xon bolaligida juda yaramas, to'polonchi bir o'quvchi

**Mening fikrim**

edi. Dars vaqtida qilgan to'polonlari bilan ustozi Oqshamsiddinning jahlini chiqarar edi. Ustozi unga tanbeh bersa, darhol: "Men podshohning o'g'liman, hech narsa qilolmaysan", deyishdan ham toymasdi.

Oqshamsiddin podshohga shikoyat qilishni odobsizlik hisoblab, holatni Murot IIga aytishdan tortinar edi. Ammo vaqt o'tgani sayin kichik Mehmetning qiliqlari haddan oshib, chidab bo'lmas holga keldi.

Shundan keyin ustoz noiloj podshoh Murot IIning huzuriga chiqdi.

– Podshohim, sizga aytishim muhim bo'lgan bir xususiy masala bor. Ammo aytishdan hayo qilmoqdaman.

– Marhamat, hech tortinmasdan aytavering, – dedi podshoh.

Bu so'z Oqshamsiddinni xotirjam etdi va hodisani anglata boshladi: – Podshohim! O'g'lingiz – jigarporangiz juda to'polonchi. Uning dastidan darsimni o'tolmayapman. Qachon tanbeh bersam, darrov sizning nomingiz bilan menga tahdid qiladi.

Podshoh bir oz sukut saqlaydi. Keyin Oqshamsiddinga yaqin kelib, bir narsalarni pichirlab tushuntiradi. Podshohning so'zlaridan Oqshamsiddin sarosimaga tushadi.

– Podshohim, bu qanday reja? Buni amalga oshirish mumkin emas!

Oqshamsiddin bu reja xususida xavotirlarini oshkor qilishiga qaramay, podshoh bu ishni amalga oshirishini qat'iy aytadi.

Ertasi Mehmet darsda yana to'polonini boshlaydi. Ustozining tanbehiga, odatdagidek, otasi bilan tahdid javobini beradi. Ayni shu payt to'satdan eshik ochilib, podshoh ichkariga kiradi. Bu holatdan g'azablangan Oqshamsiddin podshohga qarab baqiradi-da, yuziga bir tarsaki urib baland ovozda deydi: – Hech kim dars paytida ichkariga bunday tarzda kirishi mumkin emas!

Va podshohga izn so'rab kirishi lozimligini aytib, uni tashqariga haydaydi.

Podshoh mahjub (aybdor) shaklda bo'ynini egib, uzr so'raydi va tashqariga chiqadi.

Bu hodisa qarshisida Mehmetning tili kalimaga kelmay, nima qilishini bilmay qoladi. Ishongani – podshoh otasi ko'z o'ngida tarsaki egan edi! Bo'lajak Fotih Sulton Mehmetning ichki dunyosi ag'dar-to'ntar bo'lgandi.

Bu hikoyada shunday buyuk podshoh Murot II ham o'g'lining buyuk shaxs bo'lib yetishishi uchun o'g'lining ustozini hurmat qilishi, uning aytganini so'zsiz bajarishi uchun buning qanday bo'lishini jonli ko'rsatib berdi. Alal-oqibat Fotih Sulton Mehmetni yaratdi.

Aqalli bir muddatga farzandingizga, ularning yurish-turishiga boshqalarning ko'zi bilan qarang, albatta, shunda ko'p narsalarni anglaysiz!..

**Ruxsat PO'LATOVA,**
**Samarqand shahri.**

## 2022 йил сарҳисоби

**"Ёшлар дафтари" бўйича:**

*Жорий йилда "Ёшлар дафтари"га **44 минг 507 нафар** ижтимоий-иқтисодий ёрдамга муҳтож бўлган ёшлар киритилган.*

*"Ёшлар дафтари" жамғармасига 2022 йилнинг ўтган даврида **52 миллиард 622 миллион сўм** (йил бошидан қолдиқ **5 миллиард 357 миллион**, жорий йилда тушум **47 миллиард 265 миллион**) маблағ ажратилган бўлиб, шундан **50 миллиард 8 миллион сўм** маблағ **41 минг 849 нафар** ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, тиббий муаммоларини ҳал этиш мақсадида ишлатилиб, ёшларга ёрдам кўрсатилди.*

*Ҳозирда вилоят бўйича **2 минг 658 нафар** (9,1 фоиз) ёшлар "Ёшлар дафтари" электрон платформасида қолмоқда.*

## Пақилдоқ ўйинчоқ эмас



**Янги йил байрами арафасида турли жойларда пиротехника воситаларидан фойдаланиш учраб туради. Афсуски, ота-оналар фарзандларига бундай "томоша" хавфли эканлиги ва бу ўйиндан жиддий талафот кўриш мумкинлигини тушунтиришмайди. Кейинги пайтларда туғилган кунини нишонлаш баҳонасида ўтказилаётган тор доирадаги тантаналарда ҳам пақилдоқ отиш ва мушакбозлик авж олмоқда. Аслида, мушакбозлик тегишли ташкилотларнинг рухсати билан маълум тадбирлар, жумладан, умумхалқ байрамлари муносабати билан майдонлар, хиёбонларда махсус назорат асосида ташкил этилади.**

Мушакбозлик оқибатида тананинг юз, кўз, кўл соҳаларида чуқур куйиш, кўзларнинг шикастланиши натижасида кўриш фаолиятида қисман ёки бутунлай бузилиш ҳолатлари рўй беради. Бундан ташқари, олинган жароҳатдан сўнг айниқса, юз қисмига етказилган зарар оқибатларидан қутулиш учун пластик жарроҳлик амалиётини ўтказишга тўғри келади. Энг ёмони, жароҳат олган инсонларда руҳий ўзгаришлар ҳам рўй бериб, улар ўзларини жамиятдан узилиб қолгандек ҳис қилишади.

Айримлар учун пақилдоқ отиш, мушакбозлик тадбирларини ўтказиш анъанадек туюлади. Бироқ мамлакатимизда пиротехника воситалари ҳисобланган бенгал мушаклари ва пақилдоқларидан фойдаланиш қонун билан ман этилган. Муҳими, уларни контрабанда йўли билан хорижий мамлакатлардан келтириб сотиш билан шуғулланиш жавобгарликка сабаб бўлади.

**Санжар АДИЛОВ,**
**вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ўқув маркази ўқитувчиси.**

# "Навқирон Нарпай" тўққизни нолга урди

**Ахборотни тарқатишдан олдин сотиб олиш, минг хил муқомга ўйнатиш, истаган тўнни кийгизиб, оммага етказиш мумкин бўлган ҳозирги кунда газеталарнинг ўрни бироз пасайгандай. Ҳатто ижтимоий тармоқларда газеталар энди яшамаса ҳам бўлар, қабилидаги фикрлар бот-бот такрорланаётган бир пайтда туман газетасининг 90 йиллигини нишонлаш кимларгадир малол келар.**



Аммо газетанинг сўзини, муҳимлигини қадрлайдиган ҳудудлар бор экан. Куни кеча "Навқирон Нарпай" (аввалги "Пахтакор овози") газетасининг 90 йиллиги туман фаолларининг байрамига айланганини кўриб, бу ерда газетага эҳтиром ва қадр бошқача эканини англадик. Сана муносабати билан Нарпай туманида ўтказилган анжуманда Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси вилоят бўлими раҳбари бошчилигида бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари, фаоллар, вилоят, республикада фаолият юритаётган нарпайлик ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Тошев напрайликларни бу сана билан табриклади. Вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

- Газетанинг номини ўзгартиришда бир нечта намуналар танланиб, туман ҳокимлиги ва газетанинг ижтимоий тармоқлардаги каналларига жойлаштирилди, - дейди Нарпай туман ҳокими вазифасини бажарувчи Шерзод Раҳмонов. – Мана шу сўровда туман аҳлининг жуда фаоллик билан иштирок этганини кўриб, аҳолининг газетага бефарқ эмасликларини ҳис қилдим. Ислом шоир каби буюк оқинлари, Бектош Раҳимовдай давлат арбоблари, Ўктам Мирзаёр, Зулфия Мўминова, Отаёр Наҳанов, Ризо Худойқулов каби ижодкорлар замини бўлган Нарпайда аслида газетага, маънавиятга эътибор суст бўлиши мумкин эмас. Республика миқёсидаги китобхонлик танловида Моҳинисо Шомуродованинг олий ўринни эгаллагани бутун туман ёшларига ибрат бўлиб, китобхонлик оммалашмоқда. Бу ибрат ўз натижасини бериб, бугунги кунда олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи бўйича туманимиз вилоятда учинчи ўринни эгалламоқда. Декабрь ойида туман умумтаълим мактабларига етти мингга яқин китоб тарқатилди. Бу ишларни келгуси йилда ҳам давом эттирамиз.

- Бир куни раҳматли Икром акамнинг қишлоғимиздаги "кинохона" колхознинг доривор ўғит сақланадиган омборга айлантирилгани ҳақидаги танқидий мақоласи "Пахтакор овози" газетасида чоп этилди, - дея газета ҳақдаги хотиралари билан ўртоқлашади Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ўктам Мирзаёр. - Қишлоқда дув-дув гап, туман катталари келган. Кинохона ўрнига янгиси қуриб берилгани эсимда. Шу-шу газетага қизиқишим, меҳрим ошиб, таҳририятга тез-тез бориб турадиган бўлдим. Кейинчалик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Отаёр ака, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ризо Худойқулов каби устозлар билан танишгач, уларнинг маслаҳатига кўра, бу касбга меҳрим янада ошди. Газета бугун ҳам туман ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ танқидий-таҳлилий мақолаларни бериб бораётганини, устозлар йўлини давом эттираётганини телеграм каналлари орқали доим кузатиб бораман.



Анжуманда сўз сўраганлар кўп бўлди, барчасининг мақсади бир – туман газетаси уларнинг ижодий камолотида нечоғлик ўрин тутганини таъкидлаб ўтиш эди. Севимли шоирамиз Зулфия Мўминова ўз сўзида "Навқирон Нарпай" тўққизни нолга урганини эътироф этар экан, ҳали бундайноллардан кўпига тўқнашиб юришни тилади. Ижодкорларнинг, оддий одамларнинг газетага эътиборини кузатарканмиз, газета ҳали яшайди, деган хулосага келдик.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**

**Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 5 августдаги "Чавандозлар мактаблари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Миллий гвардия вилоят бошқармаси томонидан чавандозлар мактаби ташкил этилди.**

# Чавандозлар мактаби очилди

Мактабнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Р.Қобилов иштирок этиб, ушбу муассаса вилоятда от спортини ривожлантириш, ёш авлод чавандозларини тайёрлаш, миллий от спорти мусобақаларини ташкил этиш ва оммалаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Чавандозлар мактабида беш йўналишда ўқитиш йўлга қўйилган бўлиб, 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ эвазига қорабайир ва ахалтекин зотли 16 бош от олиб келинган.

– Спорт мактабига 11-17 ёшгача бўлган ёшлар қабул қилинади, - дейди Миллий гвардия вилоят бошқармаси чавандозлар мактаби директори Ғайрат Жабборов. – Ҳозир бу ерда 100 нафарга яқин ёш от спортининг бешкураш, от йўрттириш, поло, тўсиқлардан сакраш, улоқ-кўпкари йўналишлари бўйича шуғулланмоқда. Шунингдек, бўлинмаларда хизмат отларидан фойдаланган ҳолда от спорти турлари бўйича иқтидорли ёшларни саралаб олиш ва уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш мақсадида маҳалла ёшлари ва мактаб ўқувчилари учун ҳам машғулотлар ўтказиляпти.

**Ф.ФАХРИДДИНОВ.**

MATBUOT UYI
Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi
Bosh muharrir: Farmon TOSHEV
*Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 347 nusxada chop etildi. Buyurtma 849. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2*
**Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**
QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.
Navbatchi: G.MO'MINOVA.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X
9 772010 667009
Sotuvda narxi kelishilgan holda